
Ҳоким ва ёшлар БУВАЙДА ТУМАНИ ҲОКИМИ ПОЙТАХТДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН БУВАЙДАЛИК ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ.

Кеча Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган фарғоналик талабаларнинг вилоят ҳокими ўринбосарлари ва шаҳар-туманлар ҳокимлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Туманимиз ҳокими Беҳзод Ибрагмов ҳам бугунги кунда Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бувайдалик ёшлар билан учрашди. Учрашувда ёшлар кўнглидаги гапларни рўйи-рост баён қилдилар. Талаб ва таклиф, муаммо ва истакларини туман ҳокимига юзма-юз айтдилар.

Самимий ва дўстона руҳда кечган учрашувда туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига туманимиздан сайланган депутат, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман Кенгаши раиси иштирок этдилар.

Очиқ мулоқотда аксарият ёшларнинг таклиф ва ташаббуслари қўллаб-қувватланди. Кўтарилган муаммоли масалаларга ечим топилди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Бувайда тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-02-06 11:13:38